

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБЕКОВ БАХТИЁР БАЙМАНОВИЧ

КАТТА ЁШЛИ ИНСОНЛАРДА ПАРОДОНТОЗ КАСАЛЛИГИНИ
ДАВОЛАШДА ФУНКЦИОНАЛ ОВҚАТЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.07 – Гигиена
14.00.21 – Стоматология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Холбеков Бахтиёр Байманович

Катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини такомиллаштириш.....	3
---	---

Холбеков Бахтиёр Байманович

Повышение эффективности функциональных продуктов питания при лечении пародонтоза у лиц пожилого возраста	23
--	----

Xolbekov Baxtiyor Baymanovich

Improving the effectiveness of functional foods in the treatment of periodontosis in elderly individuals	43
---	----

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works	49
--	----

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХОЛБЕКОВ БАХТИЁР БАЙМАНОВИЧ

КАТТА ЁШЛИ ИНСОНЛАРДА ПАРОДОНТОЗ КАСАЛЛИГИНИ
ДАВОЛАШДА ФУНКЦИОНАЛ ОВҚАТЛАРНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.07 – Гигиена
14.00.21 – Стоматология

тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.4.PhD/Tib3149 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Алимухамедов Дилшод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Худонов Бахтинур Оқбўтаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамракулова Мукаддасхон Аскарловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Норова Мавжуда Баходировна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.06/2025.27.12.Tib.01.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2026 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университетининг 10-ўқув биноси, 1-қават мажлислар зали. Тел./факс: (99871) 150-78-25, e-mail: info@tashmeduni.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй; Тошкент давлат тиббиёт университети нинг 2-ўқув бино «Б» корпуси, 1-қават, 7-хона. Тел/факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2026 йил « _____ » _____ да тарқатилди.
(2026 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.М.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ф.И.Саломова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳолининг катта қатламларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан овқатланиши алиментар боғлиқ касалликлар, атроф-муҳит хавф омиллари таъсирини камайтириш билан биргаликда умр кўриш давомийлигини оширишга қаратилган асосий интеграл кўрсаткичлардан ҳисобланади. Пародонтоз - бу тишни ўраб турган ва ушлаб турувчи пародонт тўқималарининг сурункали, яллиғланишсиз дистрофик касаллиги бўлиб, асосан альвеоляр суяк тўқимасининг аста-секин сўрилиши ва милк чекиниши билан намоён бўлади. У тишларни қўллаб-қувватловчи бириктирувчи тўқима ёки суякни йўқ қилади ва пародонтоз чўнтаклар ёки тиш гўшти қон кетишига олиб келади. ЖССТ ва илмий манбаларга кўра «...аҳолининг 98%дан ортиғи яллиғланишли пародонтозга эга бўлиб, инсонларда олтинчи энг кўп тарқалган касаллик бўлиб, дунёда 740 миллион инсонларда қайт қилинган, тиш тўқималарининг бактериал сурункали вайрон қилувчи яллиғланишлар қаторига киради...»¹. Пародонтозда маҳаллий маҳсулотлардан тузилган таомнома асосида пациентларнинг овқатланиш рационини гигиеник баҳолаш нафақат профилактик, балким, клиник ва стоматологик соҳа ходимлари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини такомиллаштириш бўйича қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада оилавий шифокорлар томонидан тишнинг турли нуқсон ва парадонт қатламининг ўзгаришларга таъсири қилувчи хавф омиллар, пациентларнинг кунлик овқатланиш рационини ва унинг сон ва сифат кўрсаткичлари омилли таҳлили, катта ёши аҳоли орасида ташхисланган пародонтоз билан хасталанган аҳоли кунлик овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ва овқат қўшимчалари билан бойитиш ва катта ёшли аҳоли орасида ташхисланган парадонтоз билан хасталанган аҳолининг саломатлик ҳолатини яхшилашга қаратилган модификацияланган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш»² каби

¹Saho H, Takeuchi N, Ekuni D, Morita M. Incidence of the Acute Symptom of Chronic Periodontal Disease in Patients Undergoing Supportive Periodontal Therapy: A 5-Year Study Evaluating Climate Variables. Int J Environ Res Public Health. 2019 Aug 23;16(17):3070

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини такомиллаштириш борасида тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», Фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий-профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда стоматологик касалликлари орасида, пародонтоз клиник намоён бўлишига қараб, олтинчи ўрнини эгалайди. Япон олимлари (Saho H, Takeuchi N, Ekuni D. 2019) қўллаб-қувватловчи пародонтоз терапия олган беморларда сурункали пародонтознинг ўткир аломатининг пайдо бўлиш даражаси иқлим ўзгарувчиларининг таъсири, сурункали пародонтознинг ўткир аломатининг пайдо бўлиш даражасига сезиларли таъсири, стоматология шифохонасида қўллаб-қувватловчи пародонтоз терапия (ҚҚПТ) олган беморлардан тўпланган. Шифохонада беморлар оғиз бўшлиғини текширишдан иборат бўлган ҚҚПТ (зондлашда қон кетиши билан пародонтоз ҳолатни баҳолаш, зондлаш чўнтагининг чуқурлиги, ёпишишнинг клиник даражаси, оғиз бўшлиғи гигиенаси, окклюзия, фуркациянинг иштироки ва бляшкаларни ушлаб туриш омиллари), оғиз бўшлиғи гигиенаси милк усти кюретажи ва тиш тошларини олиб ташлаш, ҳар чоракда илдизларни текислашдан иборатлиги тавсия қилинган ва ушбу ҳолатда қизариш, шиш, оғриқ ва иссиқлик ҳисси каби клиник белгилар кузатилган ва ҚҚПТга мунтазам равишда режали ташриф буюрганда ёки ҚҚПТ босқичида шошилиш ташриф буюрганда сурункали пародонтоз касаллигининг ўткир аломати ташхиси қўйилган беморлар ҳисобланади (Saho H, Takeuchi N, Ekuni D. 2019). Илмий манбалари ўртача кунлик барометрик босим, барометрик босимнинг максимал соатлик пасайиши ва ўртача кунлик ҳарорат сурункали пародонт касаллигининг ўткир симптомининг предиктори эканлиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, сурункали пародонтоз касаллигининг ўткир аломатини олдиндан антибиотиклар билан даволаш ёки башорат қилиш орқали олдини олиш мумкин (Saho H, Takeuchi N, Ekuni D. 2019).

тадқиқотида ҳам ўртача кунлик ҳарорат ва сурункали пародонтознинг ўткир аломатининг пайдо бўлиш даражаси ўртасидаги боғлиқлик ўртача ҳарорат $\geq 13^{\circ}\text{C}$ бўлган кундан 1 кун ўтгач 0,89% ни ва ўртача кунлик ҳарорат $< 13^{\circ}\text{C}$ бўлган кундан 1 кун ўтгач 1,05% ни ташкил этди ($p=0,03$). Бундан ташқари, ўртача кунлик ҳарорат $\geq 17^{\circ}\text{C}$ бўлган кундан 1 кун ўтгач 0,86% ва ўртача ҳарорат $< 17^{\circ}\text{C}$ бўлган кундан 1 кун ўтгач 1,07% ни ташкил этиш, Окаямада қиш мавсумида ўртача кунлик ҳарорат $< 17^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади, бу қишда сурункали пародонтознинг ўткир аломати билан касалланишнинг ўсиш тенденцияси ва энг юқори чўққисини сақлаб қолганлиги асосланган (Saho H, Takeuchi N, Ekuni D. 2019).

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида овқатланиш билан боғлиқ касалликларни олдини олишга қаратилган гигиеник чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда (Г.И.Шайхова, 2024, 2025; А.С.Худайберганов, 2024;2025; Н.Ж.Эрматов, 2023, 2024; 2026; Д.Ш.Алимухамедов, 2023), бироқ, катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини такомиллаштирилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда парадонтоз билан хасталанган беморларнинг кўп омилли овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш ва функционал озиқ-овқат маҳсулотлари билан даволаш тартибини ишлаб чиқиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир. Оилавий поликлиникаларда умумий амалиёт шифокори томонидан пародонтознинг тарқалишини баҳолаш, беморларнинг кунлик овқатланиш ҳолатини баҳолаш орқали ташхислаш тартиби ишлаб чиқилмаганлиги ушбу беморларнинг саломатлик ҳолатини яхшилашга қаратилган модификацияланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 03-4974 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактик ёрдамни такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун хавфли омилларни бартараф этиш» (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатлар билан даволаш тартибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилавий поликлиника ва оилавий шифокорлар пунктидаги шифокорлар томонидан тишнинг турли нуқсонлар ва пародонт қатламининг ўзгаришларни тарқалишини баҳолаш;

катта ёшли аҳоли орасида ташхисланган пародонтоз билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат кўрсаткичларни омилли таҳлили қилиш;

катта ёшли аҳоли орасида ташхисланган пародонтоз билан хасталанган аҳоли кунлик овқатланиш рационини Ўзбекистон унидан тайёрланган нон,

Али чой, REGENE COLLAGENнинг билан бойитилган тартибда баҳолаш;

катта ёшли аҳоли орасида ташхисланган пародонтоз билан хасталанган аҳолининг саломатлик ҳолатини яхшилашга қаратилган модификацияланган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сурхондарё вилояти стоматологик поликлиникасидан рўйхатдан ўтган 48 ёшдан 80 ёшгача бўлган 211 нафар беморлар олиниб, улардан 119 нафарни эркак ва 57 нафарни аёллар, назорат гуруҳини 35 нафар (15 нафар эркак ва 20 нафар аёллар) соғлом инсонлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида пародонтоз билан хасталанган беморларнинг кунлик овқатланиш тартиби, Ўзбекистон унidan тайёрланган иккинчи навли нон ва Али чой ва унинг таркибидаги макро ва микронутриентлар, REGENE COLLAGENнинг сўлак таркиби, тишнинг ҳолати ва қоннинг таркибий элементларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда пародонтоз ташхисланган пациентларнинг функционал озиқ-овқат маҳсулотлари билан даволашни такомиллаштиришда гигиеник, ижтимоий-гигиеник, клиник, биокимёвий ва статистик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида оилавий шифокорлар томонидан катта ёшли аҳолида пародонтознинг турли босқичларини ривожланишига таъсир этувчи тиббий-биологик омилларнинг ўрни ва аҳамияти комплекс баҳоланиб, зарарли меҳнат шароитлари ҳамда кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат жиҳатдан ўзгариши натижасида касалликнинг илк босқичларини ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ёш ва жинсга боғлиқлиги асосланган;

бирламчи тизимда пародонтоз билан хасталанган беморларда овқатланиш рацион таркибининг омилли таҳлили асосида юқори хавф омиллари (олий навли ун маҳсулотлари, моносахаридлар, қаҳва, маргарин, ортиқча ош тузи ва қандолат маҳсулотлари), ўртача хавф омиллари (ёрма маҳсулотлари, дуккакдилар, жавдар нони, гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари) ҳамда паст хавф омиллари (мева ва сабзавотларнинг кам истеъмоли)нинг касаллик ривожланишидаги ўрни исботланган;

пародонтоз билан хасталанган беморларда овқатланиш рационини оптималлаштириш орқали (олий навли ун маҳсулотлари, ортиқча туз ва аччиқ маҳсулотларни иккинчи навли ун маҳсулотлари ва Али чой билан алмаштириш) тиш-жағ тизими ҳолатини яхшилаш, ошқозон-ичак тизими фаолиятини меъёрлаштириш ҳамда қондаги эритроцитлар миқдорини барқарорлаштириш имконияти илмий асосланган;

пародонтоз профилактикаси мақсадида беморлар овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш, жумладан кунлик рационга иккинчи навли нон ва REGENE COLLAGEN киритиш ҳамда беморларни диспансер кузатувга олиш ва овқатланиш сифатини тизимли мониторинг қилиш тартиби асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи тизим оилавий шифокорлари томонидан тиш патологиялари хавф омиллари, кунлик рацион сон ва сифатининг физиологик меъёрга мос келмаслиги баҳоланган;

пародонтоз билан хасталанган беморларнинг овқатланиш рацион таркиби омилли хавф гуруҳлари ортиқча хавф гуруҳи-олий навли ун маҳсулотлари моносахарид, қахва, маргарин, ош тузи, тузли маҳсулотлар, иккинчи кескин камайган хавф гуруҳига гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, учинчи хавф гуруҳи-мева ва сабзовотлар кам истеъмоли ва уларнинг аҳамияти очиб берилган;

пародонтозда пациентларнинг кунлик овқатланиш рациондаги олий навли ун маҳсулотлари, ортиқча туз ва аччиқ маҳсулотларни иккинчи навли ун маҳсулотлари REGENE COLLAGEN овқат қўшимчаси билан бойитиш натижасида организмдаги макро ва микронутриент етишмаслиги ва модалар сўрилишининг бузилишининг ўзига хусусиятлари очиб берилган;

пародонтоз билан хасталанган беморларнинг овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш орқали хасталикнинг олдини олиш мақсадида кунлик рационга иккинчи навли нон, Али чой ва REGENE COLLAGENни киритиш ва кунлик рацион сифатини тизимли баҳолаш тартиби ишлаб чиқилган;

беморлардаги ёндош касалликлардан ошқозон ичак тизими, аллергия касалликларни даволаш билан биргаликда даврий тиббий кўрикларида турли стоматологик касалликларнинг турли асоратларини олдини олиш тартиби баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи гигиеник, ижтимоий-гигиеник, клиник, биокимёвий ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти стоматологик хасталикларнинг хавф омилларини баҳолаш ва даволаш соҳасида билимларнинг даражасини ошириш, пародонтоз билан хасталанган беморларнинг касалланиш даражаси, кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат кўрсаткичи, кунлик рационнинг озиқавий ва биологик қиймати, бойитилган овқат қўшимчаларнинг кунлик рационнинг пациентлар стома статусида ўзгаришларининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пародонтозни комплекс даволашда Ўзбекистон ундан тайёрланган нон, Али чой, REGENE COLLAGENнинг парҳез терапияси ва пародонтозни асоратланишини олдини олиш, парҳез терапияси самарадорлигини яхшилаш, кунлик рационда оқсилни

етарли миқдорда таъминлаш орқали хасталикнинг зўриқишини камайтириш, сўлак сифатини яхшилаш, пародонтоз билан хасталанган пациентларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш градацияларнинг ёмон, яхши истиқболли даражаларини орқали касалликни олдини олиш ва организмдаги жараёнларни оптималлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида оилавий шифокорлар томонидан катта ёшли аҳолида пародонтознинг турли босқичларини ривожланишига таъсир этувчи тиббий-биологик омилларнинг ўрни ва аҳамияти комплекс баҳоланиб, зарарли меҳнат шароитлари ҳамда кунлик овқатланиш рационининг сон ва сифат жиҳатдан ўзгариши натижасида касалликнинг илк босқичларини ташхислашнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ёш ва жинсга боғлиқлиги асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 сентябрда 24/374-т-сон билан тасдиқланган «Пародонтоз касаллигини олдини олиш ва даволашда овқатланиш ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 20.11.2025 йилдаги 02/224-сон, Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 21.11.2025 йилдаги 62-1-сон ҳамда Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси бўйича 29.11.2025 йилдаги 01/45-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 12 декабрдаги 30/37-сон ҳулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бирламчи тизим оилавий шифокорлари томонидан катта ёшли инсонларда пародонтознинг турли босқичларини ривожланишига таъсир қилувчи тиббий-биологик омилларни ўрни ва аҳамиятини баҳолашда зарарли меҳнат шароити, кунлик рационнинг сон ва сифатининг ўзгариши натижасида юзага келадиган касалликнинг илк босқичларини ташхислашнинг ўзига хос хусусиятларнинг ёш ва жинсга боғлиқлиги, хасталикнинг илк босқичларини ташхислаш, хавф омилларни ўрнини таҳлил қилиш, асорати ва ногиронликни олдини олиш учун кунлик рацион таркибидаги ортиқча туз, аччиқ ва нордон маҳсулотлар ўрнига рационга иккинчи навли Ўзбекистон унидан тайёрланган нон va REGENE COLLAGENнинг рационга киритиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, асоратларни эрта аниқлаш ва олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* бирламчи тизим оилавий шифокорлари томонидан катта ёшли инсонларда пародонтознинг турли босқичларини даволаш учун кунлик рацион таркибига иккинчи навли Ўзбекистон унидан тайёрланган нон ва REGENE COLLAGENнинг киритиш орқали юзага келадиган қайталанишларни камайтириш учун шифохонада бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000 сўм, бир курс учун 900000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун эса 193500000 сўмгача маблағлар иқтисод

қилинади;

иккинчи илмий янгилик: бирламчи тизимда пародонтоз билан хасталанган беморларда овқатланиш рационали таркибининг омилли таҳлили асосида юқори хавф омиллари (олий навли ун маҳсулотлари, моносахаридлар, қахва, маргарин, ортикча ош тузи ва қандолат маҳсулотлари), ўртача хавф омиллари (ёрма маҳсулотлари, дуккаклилар, жавдар нони, гўшт, балиқ ва сут маҳсулотлари) ҳамда паст хавф омиллари (мева ва сабзавотларнинг кам истеъмоли)нинг касаллик ривожланишидаги ўрни исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 сентябрда 24/374-т-сон билан тасдиқланган «Пародонтоз касаллигини олдини олиш ва даволашда овқатланиш ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш алгортми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 20.11.2025 йилдаги 02/224-сон, Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 21.11.2025 йилдаги 62-1-сон ҳамда Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси бўйича 29.11.2025 йилдаги 01/45-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 12 декабрдаги 30/37-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* бирламчи тизимда пародонтоз билан хасталанган беморларнинг овқатланиш рационали таркиби омилли таҳлилида олий навли ун, моносахарид, қахва, маргарин, ортикча ош тузи, қандолатларнинг истеъмоли кескин ортиқлиги ўта хавф омиллига киритилиши, ўртача хавф гуруҳига биологик аҳамиятга эга бўлган ёрма, дуккаклилар, жавдар нони, гўшт, балиқ, сут маҳсулотларининг камлиги, паст хавф гуруҳига китирилган мева ва сабзавотларни камлиги коррекциялаш натижасида пародонтоз олдини олиш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, хавф гуруҳ маҳсулотларининг омилли таъсирини баҳолаш орқали хасталикни самарали ташхислаш ва олдини олиш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* бирламчи тизим оилавий шифокорлари томонидан катта ёшли инсонларда пародонтознинг турли босқичларини даволаш учун кунлик рацион таркибига иккинчи навли Ўзбекистон ундан тайёрланган нон ва REGENE COLLAGENнинг киритиш орқали юзага келадиган қайталанишларни камайтириш учун шифохонада бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000 сўм, бир курс учун 900000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун эса 193500000 сўмгача маблағлар иқтисод қилинади;

учинчи илмий янгилик: пародонтоз билан хасталанган беморларда овқатланиш рационини оптималлаштириш орқали (олий навли ун маҳсулотлари, ортикча туз ва аччиқ маҳсулотларни иккинчи навли ун маҳсулотлари ва Али чой билан алмаштириш) тиш-жағ тизими ҳолатини яхшилаш, ошқозон-ичак тизими фаолиятини меъёрлаштириш ҳамда қондаги эритроцитлар миқдорини барқарорлаштириш имконияти илмий асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024

йил 29 сентябрда 24/374-т-сон билан тасдиқланган «Пародонтоз касаллигини олдини олиш ва даволашда овқатланиш ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 20.11.2025 йилдаги 02/224-сон, Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 21.11.2025 йилдаги 62-1-сон ҳамда Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси бўйича 29.11.2025 йилдаги 01/45-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 12 декабрдаги 30/37-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* пародонтозда пациентларнинг кунлик овқатланиш рационидagi олий навли ун маҳсулотлари, ортиқча туз ва аччиқ маҳсулотларни иккинчи навли ун маҳсулотлари REGENE COLLAGEN овқат қўшимчаси билан бойитиш натижасида организмдаги витамин ва минераллар билан бойитилиши амалда ортиқча захарли моддалар токсинларининг организмдан ажралиши натижасида сийдик миқдори ҳамда қондаги креатинин ва мочевиная миқдорининг меъёрий даражасини таъминлаш орқали пародонтоз организмдаги кальций, фосфор ва минераллар билан бойитиш, овқатланиш статусини бузилишини баратараф этиш ва асоратларни олдини олиш натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* бирламчи тизим оилавий шифокорлари томонидан катта ёшли инсонларда пародонтознинг турли босқичларини даволаш учун кунлик рацион таркибига иккинчи навли Ўзбекистон унидан тайёрланган нон ва REGENE COLLAGENнинг киритиш орқали юзага келадиган қайталанишларни камайтириш учун шифохонада бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000 сўм, бир курс учун 900000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун эса 193500000 сўмгача маблағлар иқтисод қилинади;

тўртинчи илмий янгилик: пародонтоз профилактикаси мақсадида беморлар овқатланиш рационини маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш, жумладан кунлик рационга иккинчи навли нон ва REGENE COLLAGEN киритиш ҳамда беморларни диспансер кузатувга олиш ва овқатланиш сифатини тизимли мониторинг қилиш тартиби асосланганлиги бўйича таклифлар Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиалининг мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 29 сентябрда 24/374-т-сон билан тасдиқланган «Пародонтоз касаллигини олдини олиш ва даволашда овқатланиш ҳолати ва ҳаёт сифатини баҳолаш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бўйича 20.11.2025 йилдаги 02/224-сон, Қашқадарё вилояти санитария-эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бошқармаси бўйича 21.11.2025 йилдаги 62-1-сон ҳамда Бухоро вилояти стоматология поликлиникаси бўйича 29.11.2025 йилдаги 01/45-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 12 декабрдаги 30/37-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* парадонтоз билан хасталанган

беморларнинг овқатланиш рационини маҳаллий маҳсулотлар ва REGENE COLLAGENнинг билан бойитиш орқали хасталикни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирларнинг тизимли тартиби татбиқ этиш натижасида юзага келадиган асоратларни камайтириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади. *Иқтисодий самарадорлиги:* бирламчи тизим оилавий шифокорлари томонидан катта ёшли инсонларда пародонтознинг турли босқичларини даволаш учун кунлик рацион таркибига иккинчи навли Ўзбекистон унidan тайёрланган нон ва REGENE COLLAGENнинг киритиш орқали юзага келадиган қайтланишларни камайтириш учун шифохонада бир кун даволаниш учун сарфланадиган 90000 сўм, бир курс учун 900000 сўм, умумий назоратга олинганлар учун эса 193500000 сўмгача маблағлар иқтисод қилинади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 илмий-амалий анжуманда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифига бағишланган, унинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Пародонтоз касаллигини функционал озиқ-овқат маҳсулотлари билан даволашнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида мавзунини асослашда хорижий ва маҳаллий илмий манбаларнинг таҳлили келтирилган. Ушбу бобда стоматологик касалликлардан пародонтознинг этиологияси, тарқалиши, клиникаси, беморларни функционал озиқ-овқат маҳсулотлари билан даволаш, уларни соғломлаштиришда соғлом овқатланишнинг ўрни, кунлик рационнинг маҳаллий микронутриентлар билан бойитиш, саломатлик ҳолатига таъсирини олдини олишга қаратилган рацион ишлаб чиқиш ва коррекциялаш мақсадида принципиал муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «**Катта ёшли инсонларда пародонтоз касаллигини**

даволашда функционал овқатларнинг самарадорлигини баҳолашнинг клиник материал ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида текширув гуруҳлари ҳақида умумий маълумотлар ва тадқиқот усуллари баён этилган.

Илмий натижаларни олиш, аниқ вазифаларни ечимини топиш натижасида тадқиқот ишлари 2018-2024 йилларда Сурхондарё вилоят стоматологик поликлиникаси ва шошилиш тез ёрдам клиникасига мурожаат қилган ва назорат остига олинган пародонтоз билан хасталанган пациентларнинг ижтимоий-гигиеник, гигиеник, клиник, аналитик, лаборатор ва статистик тадқиқот натижаларига асосланган.

Тадқиқотни амалга оширишда қуйидаги мезонлардан фойдаланилди: пародонтоз касаллигини ташхисининг мавжудлиги; илмий тадқиқотда жалб қилинган беморларнинг ёзма розилиги асосида амалга оширилган.

Илмий тадқиқотлар давомида текширилган беморлар 2 гуруҳга бўлинди.

Натижаларнинг статистик ишончлигини амалга ошириш мақсадида истисно мезонларига қуйдагилар киритилди: оғир ирсий ва генетик хасталиклар; юқумли-яллиғланиш касалликларининг мавжудлиги.

Беморларни умумқабул қилинган клиник стоматологик усуллар асосида баҳоланган.

Ўрганилаётган гуруҳга чайнаш самарадорлигини ҳисоблаш индекси - КПО (К-кариесли, П-пломбаланган, О-олиб ташланган тишлар сони, КПО-уларнинг битта одамдаги умумий сони) ни ҳисобга олган ҳолда юз-жағ тизими меъёрий даражадаги функцияга эга бўлган шахслар киритилган.

Оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолатини баҳолаш учун Ю.А.Федоров ва В.В.Володкина усули бўйича гигиена индекси (ГИ) аниқланди.

СЁД индекси бўйича - стоматологик ёрдам даражаси ўрганилди

Нazorat ostitga olingan bemorlarning taqsimlanish 1-jadvalda keltirilgan.

Асосий гуруҳ эса комплекс бойитилгин функционал таомлар ва стоматологик, клиник даволанган пародонтоз билан хасталанган 176(83,41%) нафар бемордан иборат бўлган.

Тадқиқотларни амалга ошириш учун назорат гуруҳига пародонтоз билан хасталанган умумий 35 нафар, 15(42,8%) нафар эркак ва 20(57,1%) нафар аёл, асосий гуруҳга эса 176 нафардан 119 (67,61%) нафар эркак ва 57 (32,38%) нафар эркаклар жалб қилинган.

Текширилаётган беморларнинг ёш градацияси 40 ёшдан 80 ёшгачани ташкил қилди (беморларнинг ўртача ёши $60 \pm 20,4$ ёшни ташкил қилади).

1-гуруҳда беморларнинг ўртача ёши $55,0 \pm 11,5$ ни; 2-гуруҳда— $58,9 \pm 11,6$ ёшни ташкил қилган.

Беморларнинг аксарият қисми 40-69 ёшларга тўғри келган.

Сурхондарё вилоятида истиқомат қилиб келаётган ва пародонтоз билан хасталанган пациентларнинг кунлик овқатланиш рацони таркиби кўп омилли таҳлил қилиш мақсадида 40 дан 80 ёшгача бўлган пациентлар олинган.

Назорат остига олинган беморларнинг тақсимооти

Белгилар	Асосий гуруҳ эркаклар (n=119)	асосий гуруҳ аёллар (n=57)	Назорат гуруҳида эркаклар (n=15)	Назорат гуруҳи аёллар (n= 20)
Тиш тошларининг пайдо бўлиши	116 (97.74)	57 (100)	7 (46.6)	11 (55)
сезгирликнинг ошиши	116 (97.74)	53 (92.98)	8 (53.33)	12 (60.0)
милкларнинг қонаши	115 (96.63)	38 (66.17)	3 (20.0)	5 (25.0)
тишлар қимирилаши	75 (63.02)	36 (63.15)	0	0
милк емирилиши	79 (63.10)	35 (61.40)	0	0
тиш қаторини бузилиши	110 (92.48)	47 (82.45)	13 (86.66)	13 (65.0)
Оғиз бўшлиғидаги бадбўй ҳиди	119 (100)	57 (100)	15 (100)	20 (100)
Овқатланиш рационини омилли таҳлили	119 (100)	57 (100)	15 (100)	20 (100)
Кунлик рационга иккинчи навли нон, Али Чой ва REGENE COLLAGEN	119 (100)	57 (100)	0 (0)	0 (0)
Одатий таом	0 (0)	0 (0)	15 (100)	20(100)

Материаллар экспедиция шароитида йилда 4 марта (қиш, баҳор, ёз ва куз мавсумларида) ўртача кунлик кўрсаткичларда 14 кун давомида пациентларнинг истеъмол қилган аниқ маҳсулотларни ҳисоб варақасида қайд этилган ва СанНваҚ 0007-2020 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача кунлик рационал овқатланиш нормалари» санитария меъёр ва қоидалари талаблари билан солиштирилган. Кунлик рационда асосий озиқа моддалар ва энергетик қиймати **«Озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби»** бўйича ҳисобланган.

Беморларнинг шифохонага келган вақти ва динамикада ҳамма беморлар қонининг клиник таҳлили ўтказилди.

Пациентларнинг шифохонада даволанишдан олдин ва кейин қонидаги гемоглобин концентрацияси стандарт усул бўйича дастур таъминоти (Cypress Diagnostics, Белгия) билан ярим автоматик биокимёвий анализатор «CYANSmart»да аниқланди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Пародонтоз билан хасталанган беморларнинг овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил натижалари»** деб номланган учинчи бобида пациентларнинг уй шароитида овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлили, беморларнинг йилнинг ҳар бир фаслидаги уй шароитида овқатланиш тартиби гигиеник таҳлил қилинган. Пародонтозда кунлик уй шароитидаги овқатланиш тартибининг издан чиқиши билан боғлиқ омиллар

ташкил қилган. Биз беморларнинг овқатланиш ҳолатини омилли таъсирини баҳолаш мақсадида энг кўп истеъмол қилинган маҳсулотлар энг асосий хавф гуруҳига киритилди ва касалликнинг ривожланишдаги ўрни таҳлил қилинди. Назорат остига олинган пациентларнинг ёши ва жинсига нисбатан кун давомида овқатланиш тартиби гигиеник талабларга мос келмаганлиги, эрталаб нонушта қилмаганлиги ёки нонуштада нон, сарёғ ўрнига сарёғли маргарин, шакар истеъмол қилганлиги, маргарин эса энг асосий аллергиялардан бири ҳисобланади. Нонушта қилмаганлар иккинчи нонушта вақтида картошкали ёки қовоқли сомса, бир дона тухум, турли қандолат маҳсулотлари, қайнатилган джем, булочкаларни иссиқ кўк чой, қуритилган сутли қахва истеъмол қилишган. Тушлик вақтида қиш-баҳор мавсумида ош, ўсимлик мойига қовурилган макаронли, қовурилган картошка, қовурилган овқатлар билан биргаликда, биттадан тухум ёки котлетлар, тузланган помидор, бодринг ва карам истеъмол қилишса, ёрмаларни жудаям камлиги, ёз-куз мавсумида ҳам қовурилган овқатлар билан биргаликда бодринг, карам ва помидорнинг камлиги, ортиқча аччиқ булғор қалампир ва туз қўшиб истеъмол қилишган. Айрим пациентлар тушлик вақтида ишхоналарда ош, аччиқ томатли соус, рангли ичимликлар, шакарли қахваларни ортиқча истеъмол қилишган. Кечкурун уй шароитида шавла, макаронли, гуручли, хамирли овқатлар хаддан зиёд ортиқча истеъмол қилинган.

Таъкидлаш жоизки, полиз маҳсулотларидан қовоқ фақат қиш-баҳор мавсумида ёз-куз мавсумида етарли даражада қовун-тарвуз, маҳаллий маҳсулотлари билан биргаликда сентябр ойидан узум рационга киритилган, мевалар камлиги, аксарият беморларнинг кунлик рационидида қовурилган товук гўшт ташкил қилганлиги ҳам аниқланган бўлиб, бироқ, уларнинг физиологик меъёрий кўрсаткичларига мос келмайди.

Сурхондарё вилоятида бошқа вилоятлардан фарқли равишда қўй гўшти кўпроқ истеъмол қилинади, шунинг учун бошқа гўштларга нисбатан эркакларда қиш-баҳор мавсумида 18,2-15,5% га ва ёз-куз мавсумида 24,4-28,4 %га, аёлларда 22,4-33,3-24,2-34,5-%га кам истеъмол қилинган бўлса, мол гўшти аналогик тартибда 39,9%-43,6% ва 48,0-52,4%га камлиги, қуён гўшти 66,2-76,6 ва 78,2-86,6%га, товук гўшти 28,5-45,5-31,3-45,9%га кам. Балиқ организм учун алмаштириб бўлмайдиган аминокислотлар манбаи бўлсада, соф балиқ маҳсулоти кун давомида 45,6-64,44%-67,2-74,4%га камлиги, балиқ консервалари ва увилдириғи деярли истеъмол қилинмаган. Соф таббий 3,2% сутнинг таъминланганлик даражаси 55,3-53,2%-57,4-58,6% гача, сарёғ-49,2-53,2%га, аёлларда 54,7-33,4%ни ташкил қилган, бошқа сут маҳсулотлари ҳам кам истеъмол қилинган. В гуруҳ витаминлари манбаи ҳисобланган жавдар ва иккинчи навли нон маҳсулотлари рационга киритилмаганлиги илмий ишни амалга оширишга асос бўлган.

Паст хавф гуруҳи маҳсулотлардан картошканинг истеъмол даражаси белгиланган физиологик меъёрга нисбатан йилнинг қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумларида эркакларда 1,11-1,5 мартага, аёлларда 1,5-2,0 мартага, соф помидор ва бодринг истеъмоли эркакларда 2,4-2,7 марта, аёлларда 2,2-2,6 мартага, бошқа сабзавотлар эса аналогик тартибда 2,1-2,5-1,5-1,7 мартага кам.

Мевалардан гилос, шафтоли, ўрик, нок ва маҳаллий анор ҳам кам истеъмол қилинган. Олма ва цитрусларни йилнинг баҳор, ёз ва куз

мавсумларида истеъмол даражаси меъёрга нисбатан эркакларда 1,5-1,9 аёлларда 1,3-1,4 мартага камлиги, узум фақат куз ва қиш мавсумларида истеъмол қилинган ва баҳор мавсумида истеъмол қилинмаган бўлсада, таъминланганлик ҳолати пациентлар орасида кескин кам истеъмол қилинган.

Жанубий худудда бодом, pista, кунгабоқарнинг манбаи ҳисоблансада, рационда камлиги ҳамда кунгабоқарнинг шўрланган мағизи кечқурун истеъмол қилинганлиги ва хавф омил эканлиги исботланган. Цитрус мевалар истеъмол даражаси кам бўлишига қарамасдан, қиш-баҳор мавсумларида апельсин ва мандарин бошқа цитрусларга нисбатан қисман кўпроқ таъминланган бўлсада меъёрдан паст. Кунлик рацион таркибида куруқ мевалар эса жуда кам ишлатилган.

Таъкидлаш жоизки, пародонтоз ташхисланган пациентларнинг кунлик истеъмол қилган маҳсулотарининг сон ва сифат кўрсаткичларнинг издан чиққанлиги уларнинг даврий равишда шифохонада даволаниши ва унинг натижасида фаолиятнинг пасайишига шароит яратган.

